



## СИЁСИЙ ДИСКУРСДА НУТҚИЙ СТРАТЕГИЯ ИФОДАСИ (Х. Клинтон нутқлари асосида)

*Боймуродова Лайло Қахрамоновна,  
ҚарДУ тадқиқотчиси*

**Калим сўзлар:** стратегия, нутқ, интенция, коммуникатив-прагматика, дискурс, формал нутқ, этикет.

Нутқий стратегия, коммуникатив стратегия каби прагматик таҳлилий сатҳлар айнан нутқий акт назариясининг юзага келиши натижасида вужудга келди. Бундан ташқари, коммуникатив мақсад, коммуникатив интенция, коммуникатив такт каби бир қанча лисоний сатҳлар ҳам нутқий акт лисоний сатҳнинг ажралмас бўлаги саналади. Албатта, таҳлил доирасида бир-бирига яқин бўлган ушбу тушунчаларни фарқлаш ҳам муҳим талаблардан бири саналади. Ж. Личнинг келтиришича нутқий такт бирор конфликтли вазиятдан чиқиб кетиш стратегияси ҳисобланади [6, 109]. Баъзи ҳолларда нутқий тактга максимум эътибор қаратиш масалани тинч ҳал қилиш, дўстона муносабатларни сақлаб қолиш, коорпаратив принципларни ҳимоя қилиш ҳамсуҳбатдошлар учун муҳимроқ саналади [6, 111]. Бу эса хушмуомалалик ва коорпаративлик принципларига амал қилиш орқали масала ечимини топиш стратегияси саналади.

Стратегия сўзининг лексик маъноси асосида ижтимоий вазиятга алоқадор бўлган қарама-қаршиликни бирор конфликтсиз йўл билан ҳал этиш ғояси ётади. Мазкур тушунчанинг психологик таҳлилида мулоқот иштирокчиларининг ўзини туга билиши, вазиятни кескин тус олишига йўл қўймаслик тактлари эътиборга олинади.

Нутқий стратегия нутқий актлар назариясининг бир бўлаги сифатида мулоқотни самарали кечимини таъминловчи усуллардан бири саналади. Нутқий акт жараёнида нутқий стратегик вазифани биргина сўз ёки гап ташкил қилиши мумкин. Нутқий акт назарияси учун эса сўз ёки гап таянч бирлик эмас,

ундан тайёр «материал» сифатида фойдаланилмайди. Аксинча, гап айнан нутқий мулоқот жараёнида яратиладиган ҳодиса. Шундай экан, нутқий акт мазмуни тўлиғича сўзловчининг мулоқот мақсади (communicative intention) билан боғлиқ бўлиб қолади [4, 79].

Россияда чоп этилган Энциклопедик лингвистик луғатда берилишича, нутқий акт “мақсад билан йўналтирилган ҳамда ҳар бир жамиятда қабул қилинган ижтимоий нутқ тузилишининг норматив бирликлари, прагматик вазият доирасида ифода этиладиган нутқий ифоданинг барча принцип ва қоидаларига мос келадиган тил бирликларига нисбатан қўлланилади” [5, 412].

Рус тилшунос олимаси Е.В. Падучева мулоқот жараёнидаги эътироз, лўқма ташлаш каби стратегик ёндашувни психологик сатҳда таҳлил этади ва бу ҳол суҳбатдошларнинг бир-бирига мослашув жараёни деб қарайди, ҳамда эътироз, лўқма стимул ва реакция уйғотишга қаратилган амаллар сифатида баҳолайди [3, 105]. Бундан ташқари, мулоқот жараёнидаги интеракция мулоқот иштирокчиларининг ўзаро интенцияларининг амалга ошириш усули деб ҳам қараш мумкин. Жумладан, Н.Ф. Алефиренко мулоқот жараёнидаги шахслараро муносабатни коммуникатив-прагматик ҳамда интеракционал сатҳга киритишади. Интеракционал интенция мулоқотда фойдаланиладиган тил воситаларини ижтимоий нормаларига тааллуқли компонентларга нисбатан қўлланилади. Бунда, мулоқот иштирокчилари мулоқот жараёнида бирор кўзланган мақсадга етишишни



мўлжаллайди. Мазкур мақсад ижтимоий жараёнларда мулоқот иштирокчиларининг нутқий стратегияси саналади [1, 68-69].

Мулоқот жараёнида коммуникатив стратегиянинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

- баҳс, мунозара жараёнида мулоқотни кузатиш ва хулоса чиқариш стратегияси;
- мавзунини тушуниш ва уни бошқариш стратегияси;
- мулоқот иштирокида дўстона муносабатни сақлаш стратегияси;
- мулоқот жараёнида нохайрихоҳликни, хушкўрмасликни сездирмаслик стратегияси;
- нутқ жараёнида маълум изоҳларни ажратиб кўрсатиш орқали тингловчиларга таъсир кўрсатиш;
- нутқ жараёнида маълум цитаталардан фойдаланиш орқали коммуникант, тингловчиларнинг ўзига жалб қилиш стратегияси;
- фикрни баён қилишда дейктик ибораларга урғу бериш орқали тингловчиларни эътиборини жалб қилиш;
- оммани қизиқтирадиган масалаларга урғу бериш орқали таъсир ўтказиш стратегияси;
- нутқ жараёнида тил бирликларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш стратегияси.

Қайд этилган мазкур мулоқот стратегиялари сиёсатчилар томонидан асосан уч хил жараёнда, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат жараёнида, омма олдида нутқ сўзлаш жараёнида, пресс конференцияларда фойдаланишади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир сиёсий шахснинг ўзига хос бўлган лингвистик воситаси мавжуд бўлиб, ушбу лингвистик восита (сўз, ибора, цитата) ҳам маълум стратегик вазифани бажариб келади. Бундан ташқари, тил нормаларига риоя қилиш тактикаси ҳам нутқ сўзловчининг ўзини шахс сифатида оммага реклама қилиш стратегияларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Мулоқот жараёнида, мулоқот иштирокчиларининг қизиқишларини эътиборга олиш баҳснинг қизгин кечишини таъминлаш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам сиёсий давра суҳбатларида бериладиган ҳар бир савол ва жавоб мулоқотни қизгин кечишини таъминлашга қаратилган стратегияга эга саналади. Мулоқот жараёнидаги МЕН стратегияси ўзини репрезентация қилиш билан бир вақтнинг ўзида ўз муносабатини билдириш стратегияси кўзда тутилади. Шунингдек, СИЗ стратегияси мулоқотдошга нисбатан хурматни англатади.

Қуйида Х. Клинтоннинг президентлик сайлови тугагандан кейинги нутқи ва унинг таҳлилини ҳавола қиламиз.

#### **TRANSCRIPT:**

Thank you. Thank you all very much. Thank you so much. A very rowdy group. Thank you, my friends. Thank you. Thank you.

Thank you so very much for being here. I love you all, too. Last night I congratulated Donald Trump and offered to work with him on behalf of our country.

I hope that he will be a successful president for all Americans. This is not the outcome we wanted or we worked so hard for, and I'm sorry we did not win this election for the values we share and the vision we hold for our country.

Х.Клинтоннинг сайлов жараёнида ютказганлигидан кейинги нутқи этикет нормаларига қурилганлиги маданий стратегияга асосланганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Ушбу стратегия Х.Клинтоннинг нутқий ифодасида *I congratulated Donald Trump, I hope that he will be a successful president for all Americans* каби қўллаган нутқий актлари барча этикет нормаларини сақлаш орқали ўз позициясини сақлаб қолишга қаратилган стратегия деб баҳолаш мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур нутқнинг бош қисмида тил воситаларидан фойдаланилган аниқ нутқий стратегиянинг учрамаганлигида кузатиш мумкин. Нутқий стратегияда аниқ тил бирликларининг қўлланилиши ифодаланадиган дискурс макроструктурасининг ўзгаришига олиб



келиши мумкин. Нутқий стратегиянинг макроструктурасининг ўзгариш тушунчасида аниқ тил бирликлари, яъни киритма гапларнинг ишлатилиши, маълум ибораларнинг қўлланилиши, боғловчиларнинг ўзгаришида юзага келади. Х.Клинтон нутқининг кейинги қисмини ҳавола қиламиз:

But I feel pride and gratitude for this wonderful campaign that we built together. This vast, diverse, creative, unruly, energized campaign. You represent the best of America, and being your candidate has been one of the greatest honors of my life.

I know how disappointed you feel, because I feel it too. And so do tens of millions of Americans who invested their hopes and dreams in this effort. This is painful, and it will be for a long time. But I want you to remember this.

Our campaign was never about one person, or even one election. It was about the country we love and building an America that is hopeful, inclusive, and big-hearted. We have seen that our nation is more deeply divided than we thought. But I still believe in America, and I always will. And if you do, then we must accept this result and then look to the future. Donald Trump is going to be our president. We owe him an open mind and the chance to lead. Our constitutional democracy enshrines the peaceful transfer of power.

Мазкур парчада ҳам бошланғич нутқнинг услубини сақлаган ҳолда риторик стратегияга таянилганлиги ва шу билан бирга *I know how disappointed you feel, because I feel it too* нутқий ифодаси тингловчиларга нисбатан ҳурматни кўрсатишга қаратилган стратегик гап танлови деб баҳолаш мумкин. М.Л. Макаровнинг таъкидлаб ўтишича, коммуникатив ва нутқий стратегия кўпгина ҳолларда маросим ва тантаналарга мослаштирилган тарзда тузиб чиқилади. Чунки, аниқ нутқий вазиятнинг мавжудлиги керак бўлган мақсадни амалга оширишда стандарт бўлган нутқий ҳаракатларга мурожаат қилишни талаб қилади. Аниқ стратегия ва мақсадни танлашда дискурс ўрнини белгилайдиган ижтимоий институтлар билан алоқадор

бўлган шарт-шароитларда амалга оширилади [2, 56].

Нутқнинг кейинги қисми ҳам риторик маромни сақлаган ҳолда этикет стратегиясида олиб борилганлигини кузатиш мумкин:

We don't just respect that. We cherish it. It also enshrines the rule of law; the principle we are all equal in rights and dignity; freedom of worship and expression. We respect and cherish these values, too, and we must defend them.

Let me add: Our constitutional democracy demands our participation, not just every four years, but all the time. So let's do all we can to keep advancing the causes and values we all hold dear. Making our economy work for everyone, not just those at the top, protecting our country and protecting our planet.

And breaking down all the barriers that hold any American back from achieving their dreams. We spent a year and a half bringing together millions of people from every corner of our country to say with one voice that we believe that the American dream is big enough for everyone.

For people of all races, and religions, for men and women, for immigrants, for LGBT people, and people with disabilities. For everyone.

I am so grateful to stand with all of you. I want to thank Tim Kaine and Anne Holton for being our partners on this journey.

Ушбу парчада коммуникатив ва нутқий стратегияда МЕН ва БИЗ стратегияси, яъни ўзини намоиш қилиш, сиёсий образ сифатида кўрсатишга қаратилган стратегияга амал қилинган. Парчадаги *people* сўзининг стратегик мақсади интеграцияни сақлаш ва шунингдек, умумий ахлоқ қоидалари доирасидан чиқмаган ҳолда ўз дунёқарашини, ғоясини сингдиришга қаратилган стратегик мақсад ётади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, маълум бир чиқиш доирасида бир қанча стратегиялар кўзда тутилади. Д.Трампа нутқида Х.Клинтон ва шунингдек, Б.Обамага нисбатан танқидий фикрларга тўлиб тошган бўлса, Х.Клинтоннинг мазкур нутқи ундан кескин фарқ қилади. У



Б.Обамани амалга оширган ишларини қўллаган ҳолда ўзининг ахлоқ доирасини юқори эканлигини кўрсатишга қаратилган стратегия мавжудлигини кузатиш мумкин. Мазкур ҳолни қуйидаги парчада таҳлил қилиш имконига эгамиз:

It has been a joy get to go know them better and gives me great hope and comfort to know that Tim will remain on the front lines of our democracy representing Virginia in the Senate.

To Barack and Michelle Obama, our country owes you an enormous debt of gratitude.

We thank you for your graceful, determined leadership that has meant so much to so many Americans and people across the world. And to Bill and Chelsea, Mark, Charlotte, Aidan, our brothers and our entire family, my love for you means more than I can ever express.

You crisscrossed this country, even 4-month-old Aidan, who traveled with his mom. I will always be grateful to the talented, dedicated men and women at our headquarters in Brooklyn and across our country.

You poured your hearts into this campaign. To some of you who are veterans, it was a campaign after you had done other campaigns. Some of you, it was your first campaign. I want each of you to know that you were the best campaign anybody could have ever expected or wanted.

Мазкур парчадаги нутқий стратегия, сўзловчининг формал, тайёр нутқдан фойдаланиш орқали миннатдорликни ифода этиш кўзда тутилган. Мазкур нутқда Х.Клинтон маълум шахсларнинг (Б.Обама, Бил ва Челси Марк, Карлотта, Айдан) номини тилга олиб ўтиш орқали ўша шахсларга хайрихоҳ бўлган кишиларнинг эътиборини қозониш стратегияси турибди. Бундан ташқари нутқда СИЗ (YOU) стратегияси омма олдидаги ҳурматини сақлаб қолишга қаратилган ва формал нутқ этикети сақланган. Нутқнинг формал стратегияси кейинги парчада ҳам давом этган:

And to the millions of volunteers, community leaders, activists and union organizers who knocked on doors, talked to

their neighbors, posted on Facebook — even in secret private Facebook sites.

I want everybody coming out from behind that and make sure your voices are heard going forward.

To anyone that sent contributions, even as small as \$5, that kept us going, thank you. To all of us, and to the young people in particular, I hope you will hear this — I have, as Tim said, I have spent my entire life fighting for what I believe in.

I've had successes and setbacks and sometimes painful ones. Many of you are at the beginning of your professional, public, and political careers — you will have successes and setbacks too.

This loss hurts, but please never stop believing that fighting for what's right is worth it.

It is, it is worth it.

Қўлланилган тил воситалари, этикет шакллари, формал нутқ усули вазиятни бошқаришга, Х.Клинтон тарафдорлари бўлган кишиларнинг фикр ва дунёқарашларини эътиборга олинганлиги ва бу орқали нутқий этикет стратегияси танланганлигини кузатиш мумкин. Нутқдаги ҳар бир сўз танлови, иборалар танлови, тил воситаларидан фойдаланилганлик маълум мавзу асосида қурилганлигидан далолат беради.

Сиёсий мулоқот жараёнида ҳам нутқий, ҳам коммуникатив стратегияларга мурожаат қилинганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бунинг асосида риторик стратегия, хушмуомилалик стратегияси, эмоционал стратегия, экспрессив стратегия, этикет стратегияси каби усуллардан фойдаланилади. Сиёсий мулоқотни шакллантириш жараёнида амалий мулоқотнинг коммуникатив стратегиялари ишлаб чиқилади. Шунингдек, сиёсий мулоқот жараёнини шакллантиришда қуйидаги нутқий стратегиялар ҳам муҳим ўрин тутди: 1) ассоциатив стратегия, 2) ретроспектив стратегия, 3) қиёсий стратегия, 4) сиёсий доминантлик стратегия, 5) эммотив стратегия. Ассоциатив стратегия нутқий вазиятда мавзунинг ўзгариб кетиши ва ушбу жараёнда қўлланиладиган нутқ



бирликларини ўз ичига олади. Ассосиатив стратегия глобал мавзунинг кейинчалик ривожланишини таъминлашга қаратилади ҳамда умумий семантик белгилар асосида курилади. Ретроспектив стратегия мавзудан баъзи четлашишлар орқали кўшимча маълумотларни етказиш ва шу орқали нутқнинг семантик тартибини сақлашга қаратилади. Қиёсий стратегия дискурс мавзусининг ўзгариши асосида гап курилмаларининг умумий семантик тартиби бошқаси билан алмаштирилади. Шундай қилиб, нутқ компонентларининг функционал-семантик белгилари таққосланади. Сиёсий доминант стратегияси маълум лексик бирликларда, дейктик бирликлар ва ибораларда шахснинг ижтимоий ўрнини кўрсатиш учун хизмат қилади. Эммотив стратегия маълум лексик бирликлар ёрдамида омма, тингловчи, мулоқот иштирокчиларининг рухий ҳолатига таъсир этишга қаратилади.

Умуман олганда, сиёсий дискурсда нутқий ва коммуникатив стратегиянинг

шаклланиши учун лисоний маҳорат, она тилининг билимдонлиги шаклланган бўлиши талаб қилинади. Шу билан бир қаторда рақиб, тингловчи, мулоқотдошнинг ижтимоий-маданий хусусиятларидан хабардор бўлиш ҳам нутқий ва коммуникатив стратегиянинг амалга оширилишини бир қисми саналади. Шунингдек, ижтимоий сиёсий вазиятни тўғри баҳолаш, оммани қизиқтирадиган масалаларни англаш ва айнан улар эшитишни хоҳлайдиган сўз ва ибораларни танлай билиш сиёсий майдондаги нутқий ва коммуникатив стратегиянинг асоси бўлиб хизмат қилади. Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Х.Клинтон сайлов жараёнида Д. Трампга имкониятни бой берган бўлса-да, ўз тарафдорлари олдида обрўсини сақлаб қолишга айнан нутқий стратегик хусусиятлардан унумли фойдаланилганлиги унинг муваффақиятини белгилаган.

#### Адабиётлар:

1. Алефиренко Н.Ф. Семиологический потенциал дискурса // Язык. Текст. Дискурс: Научный альманах Ставропольского отделения РАЛК / Под ред. проф. Г.Н. Манаенко. Выпуск 5. – Ставрополь, изд. ПГЛУ, 2007. –296 с.
  2. Макаров М. Л. Основы теории дискурса.— М.: ИТДГК «Гнозис», 2003.— 280 с.
  3. Падучева Е.В. О параметрах лексического значения глагола: таксономический класс участника /Русский язык в научном освещении.№ 1(3). 1997. –С 87-112.
  4. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти. Тошкент, 2008. -318 б.
  5. Лингвистический энциклопедический словарь. Москва. 1990: 412.
  6. Leech G.N. Principles of Pragmatics.—London: Longman, 1983.-250 p.
- Интернет сайтлар  
<http://obamaspeeches.com/080-Iraq-Debate-Obama-Speech.htm>  
<http://obamaspeeches.com/120-Obama-Turn-The-Page-Speech-California-Deomcratic-Convention.htm>

*Боймуродова Л. Выражение речевой стратегии в политическом дискурсе (на материале речи Х.Клинтон). Политическая информация - это интерпретация, в которой суммируются и описываются социально-политические события человека за определенный период времени. Политическое выступление - это выступление политика, направленное на освещение определенных политических вопросов перед публикой или средствами массовой информации. У каждого таких выступлений имеется политическая и социальная цель и стратегия. Цель и стратегия политической речи анализируются с помощью прагмалингвистических средств. Статья Л. Боймуродовой посвящена лингвистическому анализу выступлений известного американского политика Х. Клинтона, преследующих*



политические цели. В статье анализируются речевые стратегические факторы лингвистики Х. Клинтона.

**Boymurodova L. The expression of speech strategy in political discourse (on the material of H. Clinton's speeches).** Political information is an interpretation summarizing and narrating of a person's socio-political events over a period of time. A political speech is a speech by a manager aimed at covering certain political issues in front of the public or the media. This speech has a political and social purpose and strategy. The purpose and strategy of political speech are analyzed using pragmalinguistic resources. The article presented by L.Boymuradova is devoted to the linguistic analysis of a well-known American politician H. Clinton's speeches aimed at political goals. The article analyzes the speech strategic factors of linguistic units made by H. Clinton.